



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 35 (9271). • 1988 йил 18 февраль • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МОСКВА, 17 февраль. (ТАСС). Бугун Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди. «Ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганлиги ва уни амалга ошириш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев доклад қилди.

Редакцияга келган хатлардан

ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

ХАҚЛИ ТАЛАБ

ТРАКТОРЧИ ДАМ ОЛИШГА ХАҚСИЗМИ?

ХУРМАТЛИ редакция! Бу хатни Сизга Жамбул номи колхозининг бир гурупа транспорт тракторчилари ёзишмоқда. Бутун мамлакатимизда қайта қуриш жараёни жадал тус олмақда. Партия ва ҳукуватимиз мана шу даврда меҳнат-нашларнинг социал ҳаётига алоҳида эътибор беришни таъкидламоқда. Лекин негизда бу йўналиш бизнинг колхозда сезилмапти. Ҳамон ўша эски услублар. Конституцияда ҳам совет кишининг дам олиш ҳуқуқи алоҳида модда билан кўрсатилган. Лекин бизнинг хўжалик раҳбарлари ҳеч нимани тан олмайдилар. Совхозимизда биринчи класс транспорт тракторчилари учун бир ойда 30—31 иш куни тўлиқ бўлгандагина 100 сўм маош берилади. 26 иш куни бўлиб қолса, яъни яқинбаларда дам олсак, маошдан бир неча кунлик иш ҳақи чегириб қолинади. Шу даражада ўзбошимчалик, қонунбузарлик ҳам бўлади-ми? Ахир биз ҳам оилаликимиз, бола-чақани боқиш, уларни тарбиялашимиз керак.

Биз, транспорт тракторчилари колхозда нима юмуш бўлса бажараверамиз. Ўзининг мавсум пайтларида кеча-кундуз қўлимиз рулда бўлади. Лекин табелга саккиз соат деб кўрсатилди. Яқинбалар кунлари ҳам ишга чақиринишди-ю, ҳақ тўлашмайди. Бу ҳақда — норози бўлиб умумий йиғилишда ҳам айтидик, ҳатто ариза ҳам бердик. Бир гал район партия комитетининг иккинчи секретари йиғилишимизда иштирок этганда, фурсатдан фойдаланиб фикримизни яна бир бор билдирдик. Афсуски, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳеч ним бизнинг арзи-ҳўлимизга қулоқ солмади. Бош бухгалтер билан бош иқтисодчи тоғажиян. Улар ҳам ўзларича иш тутташди. Хуллас, колхозимиз маъмурияти халқнинг фикри билан ҳисоблашни истамаяпти. Илтимос, шикоятимизни текширишса, оқиша оқша, қорани қорага ақратиб беришса, бизнинг яқнаш истагимиз шу!

Х. ЭГАМОВ, Н. ОЧИЛОВ,
Қ. ҲАЛИМОВ, А. БУҚТИРОВ.
Хатга 11 киши имзо чеккан.
Бўқа райони.

МУЛОҲАЗА

БИЗГА ЁРДАМ КЕРАК

БУНДАН бир неча йил муқаддам Бўқа районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхоз раёнидагина эмас, областдаги донги кетган, «машхур» хўжаликлардан эди. Афсуски, бу «сохта» доврғу узоққа бормади. Колхоз олга силжиш ўрнига орқага кетди. Чунки, раҳбарлар фақат қўшиб ёши ҳисобига илан, мажбуриятларини дундирдилар.

Эҳтимол, бизнинг юқоридagi гапларимизни ўқиб, ҳозир бунинг нима ҳолати бор, дейдиганлар ҳам бўлар. Лекин, бу ерда гап бошқа масала устида. Тўғрироғи, биз истиқомат қиладиган шу колхоздаги «Хўжақўрғон» кишлоғидagi муаммолар ҳақида.

Яқинда колхозимизда ҳисобот-санолат йиғилиши бўлиб ўтди. Ана шунда кишлоғимизнинг кўпчилиги аҳолиси, колхозчилар хонадонлардаги қорамол, қўй-эчкиларни боқиш учун яйлов ажратиб берилишини сўрашди. Бу бежиз эмас.

Жуда яхши эслаймиз, бир неча ўн йил муқаддам кишлоғимиздаги ҳар бир хонадонда сизир, қўй-эчки бўларди. Гўшт, сўт ўзимиздан чиқарди. Аммо, пахтазорларни кенгайтириш бошланди-ю, биз мол-ҳўлни боқадиган майдонлар пахтазорга айланди. Натижада қорамолларни боқиш оғирлашиб қолди. Аҳоли сизир, бузоқ, қўй-эчкиларни бозорга олиб чиқиб сотди. Шу билан, хонадонларда чорва маҳсулотлари истеъмол қилиш камайиб кетди. Бу аниқ. Нега, биринчидан, бизнинг кишлоғимизда давлат гўшти билан савдо қиладиган дўкон йўқ. Кооператив дўконда эса қўй гўшти 7 сўм, мол гўшти 5 сўм. Колхозчиларимиз эса ҳар ойда ўртача 70—80 сўм маош олишади. Уларнинг кўпчилигининг 6—7 фарзанди бор. Эр-хотин кўлиб 8 июн. Мана энди 70—80 сўм

пул олаётган оиланинг қанча гўшт истеъмол қилишини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас. Бунинг устига ҳар ким ҳам дўкондан қиммат нархда гўшт сотиб ололмайди. Гап фақат гўшт устида эмас. Шунингдек, қишлоғимизда сўт ҳам камайиб борапти.

Биз мана шуларни кўриб, бир фикрни ўртага ташламоқчимиз. Ҳозир кишлоғимиздаги 250 хонадоннинг тахминан 100 тасидигина мол-ҳол бор. Лекин, қишлоқда турганидан кейин ўз чорвага бўлмаса, кишига алам ҳам қилади. Умуман ҳар бир хонадон сизир, қўй-эчки асраш имкониятига эга, фақат озуқа масаласи қийин бўлиб бормоқда. Тўғри, ҳозир колхозлар зиммасига аҳолини ем-хашак билан таъминлаш вазифаси юкланмоқда. Афсуски, бу амалга ошмаяпти. Қолаверса, даладан ўриб-йиғиб тайёрлаб қўйилган хашакни ҳар ким ҳам бировга беришни хошламайди.

Шундай экан, аҳоли учун махсус 50—60 гектар ер ажратиб берилса, бўлмасмикин? Ана шу ерда аҳоли мол-боқарди, ўт-ўлан ўриб қишлоғига хашак тайёрлаб оларди.

Колхоз раиси Асқар Зоилов йиғилишда бизга оқиш «Яйлов ажратилди, бу масалани ҳал қилиш меннинг қўлимдан келмайди», — деб айтди. Демак, бу етилган масалани хўжалик ҳал қила олмас экан, мутасадди ташкилотлар амалий ёрдам беришса, ёмон бўлмасди. Ҳар ҳолда аҳоли қўлидаги чорва пировад натижада Озиқ-овқат программасининг амалга оширишда, қолаверса, кишлоғимизнинг чорва маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилган бўлур эди.

«Хўжақўрғон» кишлоғи аҳолиси номидан:
М. КОМИЛОВ,
А. АБДУҚАЛИМОВ,
Ғ. ИСАЕВ.

бўлганда олиб кетамиз, деб ҳовлига қўйиб кетди. Шу-шу улардан ном-нишон йўқ.

Усталардан дарак бўлавермагач «Ганга» магазини ёнида жойлашган бу идорага яна боришга мажбур бўлдим. Минг афсуски, ҳеч қандай натижа чиқмади. Муомалалардан шу нарсаи сездимки, пул тўлайдиган иш бўлса, зингилаб борадилар, лекин гарантини бўлса галга солаверар эканлар. Шу ҳам элга хизмат кўрсатиш бўлмайди? Уларни назорат қиладиган ташкилот борми, йўқми? С. УСМОНОВ,
Тошкент шаҳри.



ҚЛАРА Эргашева Оққўрғон районидagi Навоий номи колхозининг улгар соғувчиларидандир. У қорамолдаги 24 бosh саниригининг ҳар биридан айни кунларда 9 литрдан ошириб сўт соғиб олмақда. К. Эргашева сўнгги ойда ҳам соғувчилар ўртасидagi мусобақада голиб чиқиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. СУРАТДА: колхоз бosh зоотехниги Файзулла Мўминов голиб соғувчи фахрий ёрлиқни топширмоқда. Х. Аввалов фотоси.

КОРХОНА ХЎЖАЛИКЛАР МАБЛАҒИГА ҚУРИЛДИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi Уртавоул кишлоғининг аҳолиси, кўсмон тизитириш, пойабзал ремонт қилдириш, сочи турмақлаш, расми тўшиш, электор асбобларини тузатириш учун энди ишдан жавоб сўраб шаҳарга бориб ўтирмайдилар. Улар яшаш жойларига ҳар қандай буюртма беришлари мумкин. Қишлоқда эллик киши иш-

лайдиган янги машинаш хизмат уйи фойдаланишга топширилиб, унинг ходимлари ҳамқишлоқларига қарийб ўн хил тўловли хизмат кўрсата бошладилар. Машинаш хизмат қорхонаси атроф хўжаликларнинг коллективлари ажратган маблағ авазига барно этилди.

(ЎзТАГ мухбири).

МУКОФОТ АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўтказилётган турли кенашларда селекционерларга ўзганинг яхши навларини етиштиришга буюрилди, деб таъкидлаб қилинмоқда. Бундай таъкидларни колхозлар ва совхозларда ҳам тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Шундай пайтда бирданга маҳаллий газеталарда «Термиз—14» нави яратилганга фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилгани ҳақидаги хабар босилиб чиқди. Селекционерлар ингичка толали пахтаининг интенсив нави агротехникасини ишлаб чиққанликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлган эдилар.

Ниҳоят яхши нав топилибди, деган ўйга бордик. Пахтакорларга ҳам, тўқимачиларга ҳам зарур нав қўлимизда. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси мажлисларидан бирини эслаймиз. Унда мукофотга қўйилган номзодлар муҳокима қилинганда республика Давлат агроинноват комитетининг раиси И. Жўрабеков «Термиз—14» юксак мукофотга нолий деб қатъиян қарши чиққан эди.

Республика Давлат агроинноват комитетида менга қўйлаб қозғаларни кўрсатишди. Мутхассислар уларда «Термиз—14» навиға кескин қарши чиққан эдилар. Ўзбекистон ССР Давлат агроинноват комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Антонов республика Министрлар Советига ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига: «Термиз—14»

шу типдаги бошқа навларга кўпгина кўрсаткичлар бўйича тенг келолмайди. Тўқимачилик сановитининг талабларига жавоб бермайди ва харидорғир эмас», — деб ёзди.

Мана бу папкада СССР Енгил саноат министрининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисига йўллаган мактуби ва телеграммаси, бошқа масъул раҳбарларнинг ёшамалари сақланади. Ил-газлама саноати Марказий илмий-тадқиқот институтининг мутхассислари ҳам бу навага салбий баҳо бердилар. Барча ҳужжатларда «Термиз—14» тўқимачиларнинг талабига жавоб бермаслиги ишончли таразда исботланади. Шу нави эндиладиган майдонлар ундан чиқадиган толаининг физикавий-механик хусусиятлари пастлиги, жуда кўп даражада ифлослашни сабабли қисқартирилиши зарурлиги тўғрисида зўр бериб талаб қилинади. Бирок, бу нави муаллифларига мукофотни ҳам беришди, «Термиз—14» нави эндиладиган майдонлар ҳам кенгайтирилди. Утган йили 111 гектар майдонда шу нави эндиладиган эса 145 минг гектарга «Термиз—14» нави энди мўлжалланмоқда.

Хўш, шундай бўлса-да, нима учун бу нави юзага келди? Чунки у ва жуда қўйлаб обрў-эътиборли кишиларнинг эътирозларига қарамай, лауреатлар сафидан жой олди! Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Ҳабибуллаев Давлат мукофотлари комитети номига келган фикр-мулоҳазалар сақланётган катта папкани кўрсат-

ди. Сурхондарё область партия комитети «Термиз—14» навиин обшда ҳар гектар ердан ўртача камида 33—35 центнердан ҳосилдорликка эришилганлиги учун нактаган эди. Шу тўғрйли обшда ҳар йили салкам 65—70 миллион сўм фойда олмақда. Фикр-мулоҳазалар орасида Қашқадарё область агроинноват комитети, Сурхондарё областидagi хўжаликларнинг бир қатор раҳбарлари юборган мактов қасдиқлар бор эди ва табикини, кўпгина илмий мусассалар «Термиз—14» нави қўйлаб-қуватилдилар. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг тўқимачиларнинг яқинигона фикр-мулоҳазасида эса «Термиз—14» селекция навиининг пахта толаси дағал, ифлос... ва умуман бу нави йнгиришининг кечаги кунки деб баҳо берилган эди. Лекин мана шу акс-садога эътибор қилинмади. У дабдабали мактовлар орасида йўқолиб кетди.

Мукофот тақдирини пинҳона ҳал эдилар. Пировад натижа учун ишлайдиган кишиларнинг фикр-мулоҳазасига қулоқ солмадилар. Мен Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдим. Иккинчи йнгирув фабрикасида мастерлар, инженерлар, йнгирувчилар, ишлаб чиқариш раҳбарлари тўпланишди. Улардан «Термиз—14» нави навиин қандай қайта ишлатилса, деб сўрадим.

— Жуда қийналиб кетдик. Пахта толаси узунлиги ифлослашган деб текисда эмас. Ифлоси кўп, — деди комбинатда қарийб ярм асрдан бери ишлайтган йнгирувчи З. Акимова.

— Бу нави толасидан юқори сифатли газлама тўқиб мумкин эмас, — деди қатъийлик билан ишлаб чиқариш бошлиғи С. Исаев.

Мен йнгирувчилардан «Термиз—14» нави яратилганга мукофот берилганлигини билмаслигим деб сўрадим. Маълум бўлишча, улар бу ҳақда биринчи марта шайтаётган эканлар. Шунда йнгирувчилар бир овоздан «қандай бемаънагарчилик! Нима учун бизнинг фикримиз билан қизиқиб кўришмади! Ахир, хизмат учун мукофот бериш мумкинмикин» деб газлабдилар.

Тошкент тўқимачиларига иккинчи сортли хом ашёни ишлаш жоғна тегди. Шу сабабли ўтган йили ўтказилган ярлар-кеда, Урта Осиб дехқонлари етиштирган пахта биринчи марта ярмаркага қўйилганда тўқимачилик комбинати раҳбарлари 3 минг тонна... Туркистоннинг ингичка толали пахтасини сотиб олдлар. Чунки бу нави «Термиз—14»дан бирмунча яхши эди. Бунда улар транспортга кетган сарф-харажатларга ачимадилар, умуман, қилган савдолардан ўқинмадилар ва бу билан маҳаллий пахтачиларга тўғридан-тўғри ўз ишончсизликларини билдирдилар. Нима ҳам дердик, завод ларисини шарофти ва истеъмолчиларини ҳурматлаш сохта ватанпарварликдан қимматдордик.

Виктор АРТЕМЕНКО,
«Правда» мухбири).

Тошкент.
(«Правда», 1988 йил 16 февраль).



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Северный маяк» колхози механизаторлари мавжуд машина-механизмларини ремонтдан чиқариб, экиш мавсумига шай қилиб қўйдилар. Суратларда: (чапдан) механизатор А. Раazzoков; тайёр техника; слесарь А. Салимбоев ва механизатор И. Абдуқаюмовлар иш устида.

ЕРНИ ТЎЙДИРИБ...

ҲАР ЙИЛИ эрта кузда ерлар маҳаллий ўғитга тўйдирилади. Алмашлаб экиш тўла жорий этилган. Шунинг учун ҳам мўл ҳосил етиштирилиб, планлар орғини билан бажарилди.

Ҳосил отрядига ишчи кўчалари, зарур машина-механизмлар бйркирилган. Ўғит ернинг ҳолатига қараб, кузда солинади. Ваъан майдонларга 20 тоннагача етказиб берилади. Қолган ўғит мавсум давомида — экинлар ривожига, об-ҳаво шароитига қараб ишлатилади. Жумладан, ўтган йили чиритилган гўнг экиш билан бирга сеялқаларга осилган махсус мосламалар ердамида гўна қатор ораларига солиб кетилди. Бу кетма-кет ёққан ёмғирдан кейинги қатқалоннинг олдини олиш имконини берди. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди. Қўсақлар эр-

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

Пахта тозалаш заводининг 500 нафар ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари Тинчлик фондиға 1400 сўм миқдорда пул ўтказишди. Маъмур хайриш ишда қорхонанинг мўйиқ цехи коллективни қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди.

Г. ИҶДОШЕВА,
Чиноз райони

ЁШ МИЖОЗЛАР УЧУН

Чирчиқдagi болалар стоматология поликлинисасида кичик ёшдаги мижозлар учун гиғиена кабинети ташкил қилинди. Ушбу кабинет медицинадаги энг янги техника қуроллари билан жиҳозланган. Шунингдек бу ерда кичиктўйларнинг тиш касаллиғи профилактикаси бўйича кўргазмали қуроллар мавжуд.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖА

НАРИМАНОВ шаҳридаги иккинчи хўжалик — Свердлов номи ва «Правда» колхози чорвадорлари давлатга гўшт топшириш биринчи квартал планини муддатидан олдин бажардилар.

Свердлов номи колхоз бурдоқдорларини бу йили қишлоғига ҳар йилгидан кўра пухта тайёргарлик билан йиришдилик. Қорамоллар қатъий рацон асосида тўйимли озуқа билан парвартирилмоқда. Шунинг учун айни кунларда ҳам уларнинг маҳсулдорлиғи пасаймапти. Кунлик семиртириш 500—600 граммни ташкил қилмоқда. Гўшта топширилган 145 бosh қорамолнинг ҳар бири 501 килограмдан тош босди.

Инқила хўжалик чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб қилишди. Улар ярим йиллик пинҳани ҳам муддатидан олдин бажариб, Бутунитифок XIX партия конференциясини муносиб соғвар билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

У. МУҲАМЕДОВ.

АКС САДО

«ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ» газетасининг 10 февраль соинда эълон қилинган «Алангада ёнган орзулар»ни ўқиб, ўйга толдим: «Дилором ҳаётга қайтдимми?» Шайхоннинг Фожиа олдидан мавжуд кудратларининг барчасидан — табиатдан, мўъжизадан, шифокорлар меҳрино қўлидан ўтдим: она дийдорно муҳаббатига соғинчдан эғиб кетган қизалоққа раҳминга келсин, шифо беринг Дилором! Бу қизалоқнинг олдидан ҳали бутун бир умр турибди. Она — бу умрнинг суянган тоғи, кемтик бўлмасин шу умр!

Газетани ўқиб чиқиб, ёза бошладим ушбу сатрларни. Юрагим симодек титраб турибди. Отажонлар, опажаонлар, дугоналарим, сингалларим! Сизга кўнглимни очмасам, меҳру муҳаббатимни айтмасам, қадрингизни кўзга суртмасам бўлмайди! Мақолада аёлларнинг ўз-ўзларига ўт қўйишларини «ўрта асрга хос фожиа» деб аталибди. Умуман — бу фожият синий жамият қарама-қаршиликларига эмас, илдо — томирли фанимиз бойдворни, маданиятимиз, оқилона анъана ва одатларимиз сарчасималари ҳам, ўтмишда ота-боболаримиз аёлларни «сен»лаб чақирмаганлар. Ниҳоқларидоги аёлни бола-чақаси билан куч ва имконлари етганча боқсини, қийинтиришини фара деб билганлар. Майхўрлик, хотин-бозлик, ахлоқий бузуқлик, инсон тақдирини пулга тикмоқ маънавий жиҳатдан бузилган синф — бою бадавлатларга хос эди. Аёлларнинг ўз-ўзларини ёқин тарихимизга хос эмас, ўтмишимизга дой савротавермайдик!

Кечагина юксак даражаларда аёлларнинг бетимсола исённинг олдидан олиш ҳақида қарор қабул қилинади-ю, кўп ўтмай, беш кун оралиғида у аёлларнинг ўтга солидилар, нега? Бу қарор айни шаҳар, район, қишлоқ Советлари миқёсида ўрганб чиқилаётган, шу асосда тадбирлар тузилаётган пайтда, нега?

Негачи, шу қарору тадбирларни мансаб столи устига тахлаб қўйган айрим мансабдорлар билан ҳонадонда гам ютиб, кимга кўнгли ёришни билмай ўтирган андишани, орипти аёл ўртасидоги киндор, маъсулотилик, қозғоноблик, меҳризонлик тикланган кўрнимас деворларнинг бўзилиши қийин бўлапти.

«Ошқоқалик, демократия» широрлари билан минбарлардан оташни нуқтилар сўзлашмиш, гўё кўнглимизда борини айтишимиз. Лекин кўнгли... Уни охиригача изҳор қилиш осонми? Юракдаги ҳамма гапни минбардан туриб айтиб бўладими? Ҳали жажжи қизалоқлигимиздан оналаримиз кудратларимизга, онгимизга қўйишган.

Қиз бола овозини кўтариб гапирса хунук бўлади. Катталарнинг олдидан босиб ўтма — беҳурматлик бўл! Сабр-тоқатли, андишали бўл — қизларнинг гўзаллиги, зийнати шу!

Шу андиша босиб баъзи аёллар жонжонимизни кемираётган дардимизни, тилагимизни энг яқин одамимизга айтишга ҳам тортинамиз. Эру хотин орасида ўта ноаниқ, чинал, руҳиятга оид муаммоларни тилга олиш гўё уятсизлик, юксизликдек туюлади. Оқибат, умримиз кемтин, кўнглимиз яримта ялашга кўникамиш ёки... Ҳолбуки, марказий матбуот органлари эру хотин муносабатлари муаммоларини очиб ўртага ташламоқда, психолог-социологларнинг маслаҳатларини омаллаштирмоқда. Бу жиҳатдан биз — ўзбекистонлик журналистлар анча оққада қолиб кетдик, демак, аёлни чуқурроқ англашга уринишимиз!

Яна аёлларимиз андишалитига қайтман. Номус, орият, оила обрўини сақлаб дарду ҳасратини ҳеч кимга айтмай юрган аёлга «фаровон ҳаётимизда аёллар мана бундай ҳуқуқларга эга. Аёллар — кудратли куч. Аёл — бахти-

ер уй бекаси, бахтиёр она», — деб маърузалар ўқиб нима беради?

Уйдаги мижозлардан кўнгил туби қоронғу ўтирган аёл юрагига кинофильм, концерт синадими? Хотин-қизлар кенгашларининг маҳалла, кўлхоз-совхоз, корхоналарда ташкил этилган шохобчалари шу ердого хотин-қизларга ҳамнафас бўлмаса, нима кераги бор уларнинг? Мени кечирсинлар, кенгаш-

босилиб қайтади. Инсон инсоннинг тафтини олади, дегани шу! Менимча, ана шундай аёлларни маҳалла хотин-қизлари кенгашларига раисликка тайинлаш керак. Буни эса, сайлов анкеталарида асосан хотин-қизларнинг маълумоти, партиявийлиги ва касб-корига эътибор берилди. Гапга чечанлиги — айни мудо. Лекин у «жамоатчи» аёл қалбига нечоғлик итилди, унга эрталабки пардосу замонавий қийинишдан кўра бир қўшинининг гамгинлик сирини билмоқ мўҳимми, йўқми — бу ҳақда қарийб ўйлаб кўрмаймиз. Шу туйғайли «Хотин-қизлар кенгашлари ҳам бир қозғоноблик, нима кераги бор?» қабилидаги гапларни тез-тез эшитамиз...

Улим қай шаклда бўлмасин бенажот, бешафат! Юани яшаган кенсалар ҳам охири дақиқаларда яна бир неча сония бўлса-да, яшашни умид қилдилар. Турли тасодифий фалонатлар туйғайли ажал ёқасидан қайтган одамларнинг шукронасини кўп эшитганман.

ичу тошини ёндирган, орзуларини ҳазон қилган одамларнинг кўзи шу алағадан ярқ этиб очилсини, пешонага уриб афсус чекишини истагандилар? Ахир, бу ўлим, аввало, ўша тошбағирларга қарши исён-да! Афсуски, қамолга етган одамни қайта тарбиялаш, дунёқарашини ўзгартириш учун кўпчида яна бир неча ўн йиллар керак бўлади. Унутмангки, агар у одамда заррача инсонийлик, меҳру оқибат бўлганда эди, аёлни бу қадар ҳўрламас, ўз фарзандлари онани руҳан ўлдириб, жисмоний ҳалокат ёқасига келтириб қўймасди. Бундай одамнинг аёл фожиясига қуюнишига, тава-тазарру қилиб одамийлик йўлига киришига кўпман ишонавермайман! Йўқ, мени инсонга ишонсизликда айбламган; мен одамни тириклигида қадрламаган; кимсаларнинг марҳумларга садоқатию шафоатига ишонмайман. Ундай кимсалар учун қўрбон бўлиш, ёш жонингни қийноққа солиш, фарзандларни бир умр она меҳридек қўшга зор этиш — арзаймади, минбаъд арзаймади!

Тўғри, шодлик ва хушхабарни ёймоқ осон, ўзгаларга қувончингни гапириб яхши. Лекин гапу ташвишни, айниқса, уй ичидаги мижозларни ўзгаларга эшиттирмоқ — оғир. Ҳасратингни тушунадиганлар бор, тушунмай қўнчиликка ногора қилиб чадайдиганлар бор. Аммо, ҳеч бўлмаса биргина дил малҳами, ҳаётнинг пасту баландида сидқидилдан ёрдам берадиган одам топилади-ку! Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ҳамкасблар орасида топилади шундай яхши одам. Қўйин дамба идоралар эшикларини очиб киришга тортинсангиз, ҳеч бўлмаса шундай оқила аёлларга кўнгли ёришдан, маслаҳат ва ёрдам сўрашдан тортинман! Улар ҳар бир гапни торозуга солиб сизга маслаҳат берадилар. Эҳтимол, улар томдан тараша тушгандек қилиб уйингизга кириб бориб, ҳамма гапни яланғоч айтиб, ўртадаги зиддиятни янада чуқурлаштиришни лозим ҳам топмаслар. Ҳар бир фикрни, мақсадни усталик билан англиштириш йўлини топадилар тадбиркорлар. Шундай одамларга сўянинг. Улар Сизни фақат ўзингизга эмас, ҳаётга, жамиятга, жондек фарзандларингиз ёнига умид билан қайтардилар. Шундай одамлар бор бўлсин! Ўзимиз ҳам шундай одамлардек бўлишга интилиб яшайлик. Нима дейсизлар, азизларим?..

Юқоридаги гаплар билан кўнглимни бўшатмоқчидам. Йўқ, қалбим тўла Сизга меҳрумуҳаббатинг заррасини ҳам ифодалай олмадим. Мен — шаҳарлик аёл, Сизларга атаган бир шеъримниям ёзганман. Зора, буни муҳаббатимнинг қатраси деб қабул қилсангиз, бу муҳаббат кўнглингизга равшанлик бўлса...

Қишлоққа МАКТУБ

«АЛАНГАДА ЁНГАН ОРЗУЛАР» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

ларнинг айрим жонқур, ишибилармон, ёрдамга шай фалонлардан уар сўрашга тайёр ҳолда айтманки, кўнчилик кенгашлар раисларига ёрдамга мўҳтож аёлларга кўл чўшидан кўра юқоридаги гилларнинг назарига тушмоқлик орасин муҳимроқ! Бўлмаса, Дилором аввало ёрдамни маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисидан сўраган бўлмасиди? Эҳтимол, у ўз яқинида шундай аёл бордигини билмаган, ҳис қилмагандир ҳам. Бунақа «жамоатчи»лардан қўтумлоқ керак!

Табиатан юлдузи иссин, меҳри кенг, яхши-ёмон гапга тадбир топадиган аёллар бўлади. Улар маҳалларда ўз-ўзидан ҳаммага қадрдонлишб истадилар. Яхши ҳам, ёмон ҳам дардини ўша аёлга айтиди. Унинг хонадонига ёниб кирган бўлса, суҳбатидан сўнг ўз уйига ҳоври

— Болаларимнинг бахти бор экан, уларни улайтирмоқ, катта бўлганини кўрмоқ бахтим бор экан, — деб қарийб ҳар кун гапирди кўнглимнинг оғир касаллиқдан шифокорлар кўтариб олган бир она.

Ҳар сафар Сизга кўнгли тушганда, болаларимнинг кўзлари чарақлаб кетишини ҳис қилганмисиз, онажонлар? Дунёдаги миллион-миллион одамлар ичра фарзандингиз кўзлари фақат сизни кўрганда шундай чарақлайди. Юраги шодлиқдан тўлқинланади, вужуди эркалик сехридан нурларга айланади. Қайтараман: фақат Сизни — онасини кўрганда. Зеро, Сиздан бошқа ҳеч ким фарзандингизни бу қадар севиб, ардоқлаб, тушуномайди ҳам!

Нега Дилором. Гулчехра ва Санобар бунчалар оғир ўлимни танлашди? Савол бераман ўзимга. Баъчи улар ўзларининг

Машинида келган эрининг салобати ўзи бахт, Айтолмайман: «Кичкиналар йўталгити, уйлар зах...» Сўзласалар ҳақиқатини ўхшатсангиз артаман: «Тўлапарини шаҳарликлар ўн минг битта зирканга, Пальтолари бормин шаҳар аёлларини минг сўмлик, Беш юз сўмлик қўйлақлари бўлар экан — минг симлик. Расмларга, киноларга тушадилар сулувлар. Эркалатиб кўнгиқоқдек ёлғиз фарзанди улар. Эй, биздайин омиларга муносиб — янжалар, Ирашарини бу зорга юзга сувсез тешиллар! Бу қоп-қора бармоқларда бриллиант йиғлар-ов, Бизга пардоз — буз дуррага нисли отини жинга-ёв...» Шундай, айтиб шукроналар яхши, ёмон тақдирга Яшайсизлар борми олиб осмон каби бағрнга. Пахтазорлар умрингизга туташади шу қадар... Мангилангиз пайкаларга ўхшашиди шу қадар... Ғўза барги икки энлик бўлган баҳор кунлари Бир бора пўст ташлаши бор кетмон тутган кўнглининг...

Елкасига миллион тонна пахта ортан қизларини — Кўриб, балки, заъфар бўлар ичу тоши кузларининг... Табиатдай содаларим — қишлоқдаги болларим, Ноллиш билмас Момо Ҳаво — руҳларни бебоғларим!

Муҳтарам УЛУҒОВА



ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАСИ

● ХАЛҚ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитети ташаббуси билан шаҳримизда ўзига хос «Эртақлар шаҳарчаси» барпо этилди. Маақур шаҳарчани рассом В. Ким А. С. Пушқин эртақлари мотивлари асосида яратган. Суратларда: «Эртақлар шаҳарчаси» да.

Ф. Қўрбонбоев фотоси. (ЎЗТАГ).



СПОРТ

ТўРТ ИМКОНИЯТДАН ТўРТ ОЧКО

Капгардаги олимпиада ўйинларининг учинчи кунда мамлакатимиз терма командаси хоккейчилари Австрия спортчилари билан учрашиб 8:1 ҳисобида ғолиб келдилар. ГФР Норвегияни 7:3, Чехословакиялик хоккей усталари АҚШ командасини 7:5 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Шундай қилиб, «В» группасида икки ўйиндан сўнг тўрт очкодан жамагаран СССР ҳамда ГФР командалари пешқадамлик қилишмоқда.

Р. ГАТАУЛИННИНГ АҚШДАГИ ГАЛАБАСИ

Америка Қўшма Штатларида энгил атлетика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган тошкентлик Родион Гатаулин ҳам иштирок этди. У лангарчўп билан баландликка сакрашда энг юқори — 5 метр 80 сантиметр натижа кўрсатиб, турнирда ғолиб чиқди.

ДЭЮДОЧИ ҚИЗЛАР

Чирчиқда область ўсмирлар спорт ўйинлари программаси асосида дэюдо бўйича аёллар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Умуман улар ҳисобида мезонлар ғолиб келишди. Иккинчи ўринни Янгийўл шаҳри, учинчиси Ўрта Чирчиқ район дэюдочи қизлари қўлга киритишди.

А. ОБИДОВ, Ўрта Чирчиқ район кўнглик хушёрлик жамиятининг масъул секретари.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ИЛЛАТ

РАЙОН ички ишлар бўлими билан биргаликда «Самарали меҳнат ва солом турмуш учун» широри остидаги навбатдаги рейдин Туябўғиз посёлкаси территориясида ўтказдик. Учаска инспекторлари — милиция капитани Н. Эшқулов билан милиция лейтенанти А. Эрматовлар рейдин уюштириш ва территорияни белгилашда шахсан ташаббус кўрсатдилар. Рейд группаси аъзолари жамоат жойларини айланиб чиққанларидан сўнг Тошкент денгизига туташ кўчаларни ҳам кўздан кечирдилар. Денгиз атрофидаги дам олиш зоналарини кузатиш пайтида уч нотаниш кишига дуч келдик. Улар рейд группаси келаятганини сезиб, аввалга қочмоқчи бўлишди.

«ИШХОНАДА ИЧГАНДИК...»

Аммо меъеридан ортиқча ичиб олган одам қадамини тўғри босолмайди-ю, қоча олармиди. Новлон қолган ароқхўрлар бир-бирларига суянишиб, тебраниб, оёқларидан аранг туришарди. Ичкиликдан юз ва қовоқлари салқинган бу «дам олувчи»ларни бир-бир саволга тутдик: — Нима учун иш вақтида жамоат жойида ичиб,

Владимир Малюшенко — Калинин район Назарбек посёлкасида жойлашган 3-механизациялашган кўчма колонна прораби, КПСС аъзоси.

Анатолий Васильев — шу колоннада бош механик лавозимда ишлайди, КПСС аъзоси.

Анатолий Андреев — шу колоннанинг кранчиси.

Ким бўлишдан қатъий назар, ичкиликбозлик бора-сида ҳамма учун жазо бера-вар, ҳеч кимга, илтиб ёки шафқат йўқ. Аксинча, коммунист ва раҳбарларга нисбатан талаб алоҳида. Партия ва ҳукуматнинг ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарорининг талаби ҳам шун-

дай. Демак, прораб В. Малюшенко билан бош механик А. Васильевлар коммунист сифатида ичкиликбозликка қарши курашда ташаббус кўрсатиш ўрнига, ўзлари қонунни бузмоқдалар, бошқаларни ҳам нотўғри йўлга бошламоқдалар.

Ҳўш, механизациялашган кўчма колонна маъмурияти, партия, касабга союз ташкилотларининг бундан хабарлари борми? Умуман улар колоннанинг Туябўғиз посёлкасида жойлашган участкасидаги аҳволдан хабар олиб турадиларми?

А. ОБИДОВ, Ўрта Чирчиқ район кўнглик хушёрлик жамиятининг масъул секретари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

27 ФЕВРАЛДА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА
«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА СУРАТГА ОЛИНГАН ЯНГИ, РАНГЛИ ИККИ СЕРИЯЛИ
«ҲАЁТ МАЗМУНИ»
БАДИИЙ ФИЛЬМИНИНГ
РЕСПУБЛИКА ПРЕМЬЕРАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



Сценарий муаллифи — Рамиз ФАТАЛИЕВ.
Режисёр — Дамир САЛИМОВ.
Оператор — Хотам ФАЙЗИЕВ.
Расомлар — Бахтиёр НАЗАРОВ, Рафаэль СУЛЕПОНОВ.
Композитор — Феликс Янов-ЯНОВСКИЙ.
Овоз оператори — Борис ИСХОҚОВ.

Ролларни: Ўлмас ЮСУПОВ, Георгий СААКЯН, Шуккур САМАНДАР, Виктор УРАЎСКИЙ, Олег АБРАМОВ, Игорь ПУШКАРЕВ, Николай САСУХИН ва бошқалар ижро этишган.

Фильм Янрик партия ва совет раҳбари, узоқ йиллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Усмон Юсупович Юсуповнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Картина кинобиографиянинг классик қонунлари асосида қўрилган. Фильм муаллифлари унда Усмон Юсуповнинг республика ва мамлакат ҳаётига оид энг муҳим воқеалардаги иштироки, унинг мамлакат раҳбарлари, жумладан Сталин билан, кўл остидаги кишилар ва ҳамкасб дўстлари, ўз замонадошлари ва мухолифлари, қариндош-уруғ ва дўстлари билан мулоқотларини ёрқин акс эттириб олганлар.

ПРЕМЬЕРА 27 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА
ҚУИДАГИ КИНОТЕАТРЛАРДА
ЎТКАЗИЛАДИ:

Олмалик шаҳри, «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатри.
Янгийўл шаҳри, «ПОВЕДА» кинотеатри.
Чирчиқ шаҳри, «НАВОЙИ» кинотеатри.
Чиноз шаҳри, «ВАТАН» кинотеатри.
Зафар посёлкаси, «НОДИРА» кинотеатри.
Калинин посёлкаси, «ОРЗУ» кинотеатри.

ЛОЙДАН ЯСАЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Қўли гул қудол бир бўлак лойдан шу қадар ажойиб буюмлар ясадики, кўриб ҳавас қиласиз. Нафис қўзалар, чиройли лаганлар ва пиёлалар шулар жумласидандир. Уларнинг бетакорор гўзаллик кашф этиши учун ҳали бунинг ўзи етарли эмас. Уларга нақш тушириш, сирлаш, махсус хумдонларда пишириш лозим. Оташда тобланган лой мустаҳкам ва енгил, жарангдор бўлиб қолади. Бўёқлари эса янада ёрқинлашади, ўчмайди.

Сопол буюмларга сув таъсири қўрқинчли эмас. Улар эскирмайди ҳам, унқиқмайди ҳам. Чиройли сопол косага ёки гулдор лаганга сузилган хушбўй шўрва ёки палов янада хушхўр бўлиб кетади. Сопол қўзаларда ёвнинг иссиқ кунларида ҳам бемалол сут, ёғ ва бошқа маҳсулотларни сақлаш мумкин. Халқ санъатининг ажойиб намуналари руҳида тайёрланган сопол буюмлар шунингдек, кватиранингизни безайди, уларга ўзига хос миллий манзара бахш этади.

Ёрқин, ранг-баранг гуллар солинган пиёлалар, косалар, лаганлар, салатдонлар, қўзалар, чой сервизларини янги очилган 25/4-«ЎЗБЕКИСТОН СОПОЛИ» магазинидан харид қилишингиз мумкин. Янги магазин Навоий кўчасидаги савдо расталарида жойлашган.

Магазин соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Дам олиш кунни — душанба.



«ТАШХОЗТОРГ» (телефон: 91-59-43).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.